

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“Ўзбекистон тарихи”
фанидан реферат ёзиш ва тайёрлаш
бўйича
ўқув-услубий қўлланма**

Тошкент-2011

Талабалар учун тайёрланган ўқув-услубий қўлланма ва тавсиялар “Тарих ” кафедрасида 2010 йил 8 июндаги йиғилишида муҳокама этилган.

Тузувчи: **Аъзамхўжаев Саидакбар Саидович,**
тарих фанлари доктори.

Такризчилар: **Зияева Доно Хамидовна,**
тарих фанлари доктори.
Пулатова Севар Акмаловна,
тарих фанлари номзоди, доцент.

Ушбу ўқув - услубий қўлланма талабаларга Ўзбекистон тарихи фанидан реферат ёзиш ва тайёрлашда илмий - ташкилий ва амалий ёрдам бериш мақсадида ишлаб чиқилган.

© Тошкент ислом университети, 2011.

Сўз боши

XX асрнинг сўнгги йилларида Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг ўзбек халқининг ўз тарихи ва ўтмиш маданиятига бўлган улкан қизиқиши, маънавий эҳтиёжи кескин кучайди. Бу ҳолатни тушуниш осон, чунки тарих инсониятнинг хотираси ҳисобланади, уни ўрганиш, билиш ва ёдда тутиш муҳимдир. Ўтмишни билган ҳозирги замонни чуқурроқ тушуна олади ва келажакни олдиндан кўриш имкониятига эга бўлади.

Тарихий хотирани тиклаш, ундан ёш авлодни тарбиялашда фойдаланиш масаласи тарих фанининг ривожини билан узвий боғлиқдир. Ёш авлодни тарбиялаш, улар онгида миллий истиқлол тафаккурини ва ватанпарварлик ғояларини шакллантиришда Ватан тарихининг ўрни ва имкониятлари чексиздир.

Айниқса, “Таълим тўғрисидаги қонун” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” нинг қабул қилиниши, ватанига садоқатли, малакаси етук, маънавияти юксак инсонлар тарбиялашга катта эътибор қаратилаётганлигининг далилидир.

Ватанимизнинг бой тарихини тиклаш, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг тафаккурида ҳаққоний тарихни идрок этиш, тарихий хотира туйғусини тарбиялаш ҳамда мустақил илмий-ижодий ёндашишни ривожлантириш мақсадида рефератлар ёзиш муҳим аҳамиятга моликдир. Албатта, тарихий ўтмишсиз бирор бир халқнинг бугуни бўлмаган ва келажаги ҳам бўлмайди. Реферат ёзиш жараёни талабаларни фикрлашга ундайди, бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисаларни фарқлаш, таҳлил қилиш ва улардан амалий, ҳаётий хулосалар чиқариш асосида дастурий ҳаракатлар йўлланмасини белгилашга ёрдам беради. Айниқса, илмий изланишда мустақилликка эришганимиздан кейинги ҳаётнинг ҳақиқий тарихий моҳиятини очиқ бериш, унинг келажagini назарий жиҳатдан кўра билиш учун узоқ ва тегин илдизли тарихий тажрибага суяниб тасаввур қилишлари мақсадга мувофиқдир.

Рефератнинг мақсад ва вазифалари

Юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда илмий-тадқиқот ишлари муҳим ўрин тутди. Илмий ишни амалга оширишда талабаларни тўғри йўналтириш ёки ёзма баён турларини ёзишда тавсия этиладиган услубий кўрсатмалар жуда қимматлидир.

Рефератни тайёрлаш жараёнида талаба Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, ҳукуматнинг расмий ҳужжатлари, Ўзбекистон тарихи бўйича махсус адабиёт ва бошқа манбалар билан мустақил ижодий ишлаши жуда муҳимдир.

Талаба ўз фикрларини ёзма баён қилиш жараёнида кўриб чиқиладиган муаммони назарий жиҳатдан англаш, ижтимоий ҳаёт, воқеа ва ҳодисалар таҳлилида ўз билимларини ишлата олиш, тарихий ҳодисаларни идрок қилишда мустақил тушунчага эга бўлиш, манба ва адабиётлар билан ишлаш кўникмасини эгаллаш, Ўзбекистон тарихининг аниқ бир муаммосини ўрганиб чиқиб, уни беҳато баён қилишга ўз эътиборини қаратиши керак. Талаба хулоса, умумлаштириш, тавсияномаларни баён қила билиши, шунингдек илмий-маълумот қисмини тўғри ёрита олиш малакасига эга бўлиши лозим.

Реферат мавзусини танлаш

Реферат мавзусини танлаш ишнинг жуда масъулиятли босқичидир. Талабага кафедра томонидан тавсия этилган Ўзбекистон тарихига алоқадор бошқа мавзуларни мустақил танлаш ҳуқуқи берилади. Бу ҳолда реферат мавзуси маърузачи ёки семинар олиб борувчи ўқитувчи билан келишилиши керак. Бу талабага реферат режасини, асосий мақсадини ва адабиётни тўғри танлашга ёрдам беради.

Мавзу танлашда унинг долзарблиги, муаммонинг илмий ишлаб чиқилиш даражаси, талабанинг билими ва қизиқишлари, ўқиш жараёнида вужудга келган шахсий мойиллиги бош омил ҳисобланади.

Манба ва адабиётларни танлаш

Илмий ишнинг асосий вазифаларидан бири реферат мавзусига аниқлик кирита оладиган ва масала ўзагини ойдинлаштиришга қодир бўлган манба танлашдир.

Реферат устида изланиш унинг манбаларини аниқлашдан бошланади. Булар ҳукумат ҳужжатлари, давлат ва ҳукумат раҳбарларининг асарлари, олимларнинг тадқиқотлари, турли хил манбалар тўплами, газета ва журналлардаги мақолалар, архив ҳужжатлари ва музей фондлари зарурий адабиёт ҳисобланади.

Реферат манбаларини танлашда А.Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси, Ўз ФА Асосий кутубхонаси ва Тошкент ислом университети, Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон Миллий Университети кутубхоналари картотекаларидан фойдаланиш тавсия этилади. Зеро, улар янги ижтимоий-сиёсий, тарихий ва маънавиятга оид адабиётлар билан бойиб бормоқда.

Ҳукумат ҳужжатлари билан ишлашни Олий Мажлис сессияларида қабул этилган қарорларни ўрганишдан бошлаш керак, чунки уларда давр ва воқеалар баҳоси, давлат стратегияси ва тактикаси ва унинг турли соҳалардаги муаммолари белгиланган. Ҳукумат ҳужжатлари тўпламлар, газета ва журналлар, турли хил илмий нашрларда чоп этилган.

Реферат ёзишда **давлат ва ҳукумат раҳбарларининг асарлари** муҳим манбалардан ҳисобланади. Айниқса Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг асарлари энг муҳимдир. Давлат арбобларининг сессиялар, турли хил мажлислардаги маъруза ва чиқишларини протокол ва даврий ҳисоботлардан, рўзнома ва тўпламлардан топиш мумкин. Давлат, нодавлат жамоа ташкилоти ва ҳаракатлар раҳбарларининг нутқ ва мақолалари газета ва журналларда чоп этилган (“Халқ сўзи”, “Ўзбекистон овози”, “Адолат”, “Миллий тикланиш”, “Мулоқот”, “Тафаккур” ва бошқалар). Бу манбалар устида ишлаш давлат сиёсати мазмунини чуқур англаш, унинг ечимларини

тушуниш, ижтимоий ҳаётдаги воқеа ва ҳодисаларни тўғри баҳолашга ёрдам беради.

Реферат ёзишда **даврий матбуот** мазмунан ўзига хос манбалардан бири саналади. Уларда Ўзбекистон Республикаси раҳбарларининг нутқлари, назарий ва мунозарали мақолалар, махсус мухбирлар хабарлари, давлат ва хўжалик идоралари ҳолати ҳақидаги маълумотлар нашр этилган. **Мемуар адабиёт** танланган мавзу учун қимматли қўшимча манба сифатида хизмат қилиши мумкин. Тарихий воқеалар қатнашчиларининг **ўтмиш хотиралари**, ўтмишнинг аниқ дақиқаларини акс эттириб, бу тарихий воқеаларга иштирокчининг кўзи орқали назар ташлашга имконият беради. Бунда бизгача етиб келган ҳужжатларда акс этилмаган фактларга аниқликлар киритиш мумкин. Даврий матбуотда ҳам баъзан хотиралар босилиб чиқади.

Реферат устида иш олиб борилад экан, мавзунинг тадқиқ этилиши **тарихий қўлёзмалар** билан боғланган бўлиши мумкин. Яна шуни эътиборга олиш керакки, реферат мавзусига бағишланган манбалар нафақат махсус адабиётда, балки умумий адабиётда унинг маълум бир қисми сифатида учраши мумкин.

Манба ва адабиётларни танлаб олишда талабага систематик ва мавзули каталоглар ёрдам беради. Ҳар бир кутубхонанинг маслаҳатчиси бор. Улар каталоглардан қандай фойдаланишни ўргатиш билан чегараланиб қолмай, балки керакли маълумот ва китоблар ҳам топиб беришади. **Библиография** (манбаа ва адабиётлар руйхати)ни тузишда илмий ишлар ва китоблар сўнггида бўладиган иловалар ҳам катта ёрдам кўрсатади.

Библиография таркиби ўзбек, рус, шарқ ва ғарб тилларида хилма-хил ва мазмунли бўлиши кўзда тутилади.

Манба ва адабиётлар билан ишлаш

Ҳамма тўпланган манбалар талаба томонидан чуқур ўрганилиши керак. Уларни қуйидаги тартибда ўрганиш тавсия этилади: давлат ва ҳукумат

ҳужжатлари, давлат раҳбарларининг асарлари, даврий матбуот, махсус тарихий адабиётлар, тарихий воқеалар иштирокчиларининг хотиралари.

Давлат ва ҳукумат ҳужжатларини **даврий тартибда** ўрганиш тавсия этилади. Шу билан бир қаторда тарихий давр ва шарт-шароитнинг ўзига хос тарафларини англамоқ ва ҳисобга олмоқ зарур.

Газета ва журналларни ўрганар экансиз, **керакли маълумот нашрнинг қайси саҳифасида** эканлигини билиб олиш муҳим аҳамиятга эга. Кўпгина журналларнинг охириги йиллик сониди ўтган йили ёки жорий йил мобайнида босилиб чиққан барча мақолалар мавзулари эълон қилинади.

Тарихий адабиётларни ўрганишда аввало умумий, сўнгра эса муаллифлик асарлари билан танишиш зарур. Шунини унутмаслик керакки, бир муаллифнинг маълум бир масала устидаги изланишлари бир қанча асарларида ёритилган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда унинг охириги тадқиқоти билан танишиш мақсадга мувофиқ, чунки унда нисбатан аниқроқ фикр ва нуқтаи назарлар акс этган бўлади. Асар билан танишаётганда муаллифнинг умумий дунёқараши, фикрини билиб олиш ва сўнгра эса **далиллари аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эга.**

Тарихий адабиётларни ўрганар экансиз, **ҳар бир олимнинг нуқтаи назарини синчиклаб ўрганишингиз даркор.** Агарда фикрлари бир-бирига зид бўлиб қолса, талаба қайси муаллифнинг фикрини тасдиқлашини кўрсатиб ўтиши лозим.

Манбалар устида ишлаш жараёнида талабанинг мустақил фикрлари туғилиб қолиши мумкин. Кейинчалик реферат ёзиш мобайнида фойдаланиш учун бу **мулоҳазаларни дарҳол белгилаб ёзиб олмоқ зарур.**

Манбалар ва адабиётлар билан танишар экансиз, маълум бир воқеалар, ҳодисалар, сана, вақт ва рақамларни ўз ичига олган **кўчирмаларни тўплашингиз лозим.** Чунки шулардан фойдаланган ҳолдагина сифатли реферат ёзишингиз мумкин. Шунинг учун бу кўчирмалар саҳифанинг бир тарафига ёзилиши тавсия этилади. Бу кўчирмадаги ҳар бир маълумот манбага

асосланган бўлиши шарт, яъни асар муаллифи, унинг номи, нашриёти, нашр этилган йили ва бети аниқ кўрсатилиши зарур.

Маълумотли кўчирмаларнинг кенг тарқалган тури бу **иктибос**_(цитата)дир. Уни ишлатар экансиз, **ўзгартирманг ва қўштирноқ ичига олишни унутманг**. Иктибосдан ташқари, гапнинг мазмунини ўзлаштириб ёзиш ҳам кенг тарқалган. Лекин бу ҳолда ҳам манбага таяниш керак.

Режани тузиш

Пухта ишлаб чиқилган **реферат режаси-унинг муваффақиятли ёзилишининг кафолатидир**. Талаба реферат мавзусини танлаётганда тадқиқот негизини ташкил қилган муҳим вазифаларни ўйлаб кўради ва илмий раҳбар билан маслаҳатлашади. Манбаларни чуқур ўрганиш жараёнида олдиндан асосий концепция ва реферат режаси ишлаб чиқилади. Рефератнинг концепцияси талаба танлаган муамони, уни долзарблиги, ўрганиш услубияти ва ечиш йўлларини нақадар чуқур англаганлигини кўрсатади.

Рефератнинг режасида унинг ички тузилиши ва мундарижаси аниқланади. У содда ва мураккаб бўлиши мумкин. Режа таркибига 3-4 савол тузиш тавсия этилади. **Реферат кириш ва хулоса қисмларига эга бўлиши шарт**. Режа билан ишлаганда асосий эътиборни мавзу моҳиятини очиб беришда муҳим ҳисобланган масалаларга қаратиш керак. Мунозараталаб саволлардан қочмаслик керак. Тадқиқотнинг бу босқичида талабага илмий раҳбарнинг маслаҳатлари катта ёрдам кўрсатади.

Рефератнинг асосий мазмуни

Энг муҳим ва меҳнатталаб иш бу рефератнинг бевосита ёзилишидир. Аниқ тарихий жараёнларни ўрганишда мамлакатнинг ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш бўйича Президент ёки давлат томонидан чиқарилган фармон ва қарорларни асос қилиб олиш керак.

Реферат титул варақаси билан бошланади (**намуна иловада келтирилган**). Сўнгра ҳар бир бўлимни ўз ичига олган бетлари кўрсатилган мундарижа келади. ”Ўзбекистон тарихи” бўйича ёзилган рефератнинг

ҳажми **компьютерда 1,5 интервал** оралиғида, **10-15 варақдан** ошмаслиги зарур. Рефератнинг асосий қисми мавзу мундарижаси ва методологик йўналиши ҳисобга олинган ҳолда ўлчанади. Иқтибос қайси манбадан келтирилганлиги саҳифа остида ёки рефератнинг сўнги бетида берилади.

Кириш қисмида муаллиф танлаган мавзунинг долзарблиги, амалий аҳамиятини асослаши, рефератнинг асосий мақсад ва вазифалари, унинг ўрганилганлик даражаси ҳамда фойдаланилган илмий манба ва адабиётлар таҳлили қисқача баён қилинади. Бу ҳолда манбаларни сатр остида, бетини кўрсатмай ёзилиши керак. Матнда гап кетганда китобнинг нашриёти ва нашр йили кўрсатилмайди. **Масалан: Уильям Эрскин ўзининг “Бобур Ҳиндистонда” асарида.**

Рефератнинг **асосий қисми** устида ишлаётганда, режа доирасидан ташқарига чиқиб кетмаслик керак, бўлимларни сарлавҳа билан ёзиш зарур. Рефератда бўлимлар 3-4 тадан ошмагани маъқул. Мавзуни назарий жиҳатдан ёритишга катта аҳамият бериш талаб этилади, муҳим масалалар бўйича турли нуқтаи назарларни қиёслаш керак ва ўз фикрини баён этиб бериш лозим. Тарихий тажриба ва ўрганилаётган даврни ойдинлаштириш, асосий йўналишларини, вужудга келган қийинчилик ва масалаларнинг усули ва шаклини кўрсатиб бериш даркор. Зарур бўлса ўрганилаётган масалага **танқидий таҳлил** бериш зарур. Аниқ маълумотларга таянмаган далилларни ёзмасликни маслаҳат берадилар. Лозим топилса, **рақамли таҳлил қўлланилади, жадваллар, схемалар хариталар** ва бошқалар тузилади.

Рефератнинг ҳар бир қисми қисқа хулосаларга эга бўлиши керак. Бўлимларнинг ўзаро алоқадорлиги катта аҳамиятга эга. Шу билан бир қаторда матннинг ҳар бир қисми мутаносиб бўлишини таъминлаш керак. Агар рефератда умумлаштириш элементлари, таҳлил, қиёслаш, мустақил фикр ва амалий хулоса бўлса, у ҳолда реферат мақтовга сазовор бўлади.

Матннинг адабий ифодасига эътибор бериш тавсия этилади. Рефератни тушунарли ва мантиқли ёзиш асосий талаблардандир. Қисқа хулосаларга алоҳида эътибор бериш лозим. Манбалардан олинган иқтибослар ўзгартирилмасдан келтирилиши керак.

Рефератнинг **хулосасида** тадқиқотларнинг назарий ва амалий натижаларига яқун ясалади ҳамда мавзу бўйича умумий натижа чиқарилади. Хулосалар аниқ, маъноли ва ишнинг мазмуни бўйича чиқарилиши лозим. Кириш ва хулоса қисмини ишлаш рефератнинг асосий масалаларини аниқлаштиргандан кейин ёзилиши тавсия этилади.

Рефератни шакллантириш ва безаш үчүн талаблар.

Реферат матни varaқнинг бир тарафида аниқ ва тушунарли ёзилади. Ишнинг ҳар бир саҳифасида кенглиги уч сантиметрга тенг бўлган чегаралар бўлиши шарт. Рефератнинг титул varaқасидан бошлаб охиригача ҳамма саҳифалар, шунингдек суратлар, қўшимчалар ва қўлланилган манбалар рўйхати **тартиб бўйича рақамланади**. Титул varaқаси рефератнинг биринчи бети ҳисобланади, аммо унга “1” рақами қўйилмайди, кейинги саҳифага “2” рақами қўйилади. Ундан рефератнинг режаси ўрин олади, ҳамда параграф ва бўлимларнинг аниқ номлари ва бетлар кўрсаткичлари ёзилади.

Учинчи саҳифадан ишнинг матни бошланади. Реферат муаллиф томонидан имзоланиши керак. Ишнинг илмий маълумот қисмини ҳозирги кунда иш кўраётган давлат меъёри талаблари бўйича безатиш керак. Китоб, мақола, монография, илмий ишлар тўпламлари, асарлар тўпламлари, газета, журнал ва бошқа нашрларнинг библиографик тавсифи муаллифнинг фамилияси билан бошланади. Кейин муаллиф исми-шарифининг бош ҳарфлари кўрсатилади. Улардан кейин асарнинг номи, нашр этилган жойи, нашриётнинг номи, у нашр этилган йил ва бетлари ёзилади.

Масалан:

1.Саъдуллаев А. +адимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда.- Т.: Ўқитувчи,1996.-... б.

Нашриёт номи ҳарфлар билан тўлиқ ёзилади. **Масалан: Ўзбекистон, Академия, Шарқ нашриёт-матбаа концерни.**

Нашр этилган санани кўрсатишда “йил” сўзи ёки “й” ҳарфи қўйилмайди. Бундан сўнг, реферат муаллифи томонидан ишлатилган бет ёки манбанинг умумий саҳифалари сони кўрсатилади.

Икки муаллиф томонидан ёзилган китоб тавсифининг сарлавҳасида иккала муаллиф фамилиялари вергул билан ажратилган ҳолда келтирилади. Уч муаллиф томонидан ёзилган китоб сарлавҳасида китобда биринчи бўлиб келтирилган муаллиф фамилияси “ва бошқ.” қўшимчаси билан келтирилади. Зарур бўлганда барча муаллиф фамилиялари вергул билан ажратилган ҳолда келтирилади. **Масалан:**

1.Эргашев Ф., Обидов Д. Миллий таълим тарихидан.-Т.: Академия,1998.-77 б.

2.Баркамол авлод орзуси. Тузувчилар: Ш.+урбонов, Х.Саидов, Р.Аҳлиддинов.- Т.: Шарқ,1999.-184 б.

Кўп жилдли нашрни тавсифлашда асосий сарлавҳа сифатида нашрнинг умумий сарлавҳаси, жилд номери кўрсатилади. Библиографик тавсифлашни қолган маълумотлари бир жилдли нашрлар учун ўрнатилган қоидалар бўйича келтирилади.

Масалан: Китоб библиографик тавсифининг ҳар бир қисми (сарлавҳа, сана, нашр жойи, нашриёт номи, чиққан йили ҳажми ва бошқалар)дан олдин қуйидаги белгилар келади:

Нуқта (.) ва тире(-), бу белгилар агар қисм шрифт билан ажратилган бўлса, нуқта билан алмаштирилади.

Манбанинг тўла тавсифига мурожаатларда китобнинг чиқиш маълумотлари (**нашр жойи, нашриёт номи, нашр этилган санаси**)дан ташқари саҳифаси кўрсатилиши шарт. Саҳифанинг рақами “б” ҳарфидан олдин қўйилади.

Масалан:Ғозий Илёсхон. Махдуми Аъзам-имом Ал-Косоний.-Т.: Ўзбекистон,1996.-160 б.

Бундан ташқари тўла тавсиф фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилади. Агар манбанинг бирор бир қисмига мурожаат этилса, унда фақат аниқ фойдаланилган бетлар кўрсатилади. **Масалан: Шониёзов К.Ш., Қанг давлати ва қанғлилар.- Т.: Фан, 1990.- 69 б.**

Китоб таркибий қисмларининг,масалан, мақола, боб бўлими, параграф ва бошқаларнинг библиографик тавсифидан олдин таркибий қисм ҳақида маълумот келтирилади, сўнгра у жойлаштирилган манба ҳақида маълумот икки оғма чизикдан (//) кейин келтирилади. Бундай ҳолда муаллифнинг фамилияси ва исм-шарифининг бош ҳарфлари, мақола номи қўштирноқсиз ва мақола қайси нашр таркибида эканлиги ҳақидаги маълумотлар тўлиқ кўрсатилади. Агар даврий нашр бўлса,унинг сони, йили кўрсатилади.Охирида китобдаги мақола (бўлим,фасл) жой олган саҳифалар кўрсатилади: **Масалан: Аҳмад С. Мунаввар Қори // Шарқ Юлдузи.- № 5-6.-1992.-Б.105-119.**

Манбанинг таркибий қисмига библиографик мурожаатда мақоланинг асосий сарлавҳаси ёки бошқа таркибий қисмнинг сарлавҳаси, манбанинг таркибий қисмлари жой олган саҳифалар кўрсатилади.

Масалан: Тошев Н. Жалолиддин Мангуберди ўз даври ёзма манбаларида. Ўзбекистон тарихи // 1999.-№1.-Б.54-57.

Битта нашрда чоп этилган турли манбаларга библиографик_мурожаатларни қайд этишда иккинчи ва келгуси библиографик мурожаатларда бир хил библиографик маълумотлар ўрнига “ўша ерда” деган сўзлар ёзилади: мос келган саҳифалар ҳам уша жойда кўрсатилади. **Масалан: И.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.- Т.:Ўзбекистон, 1995.-Б.16. ўша ерда Б.36.**

Узун сарлавҳанинг охирги сўзларини кўп нукта билан ўзгартирган ҳолда қисқартириш мумкин, сарлавҳада муаллиф номи бўлмаса, бундай ҳолда муассаса(ташкилот) ҳақидаги маълумот келтирилиши шарт. Сарлавҳага тегишли бўлган маълумотлар бу маълумотлардан фарқли ўлароқ “оғма чизик“ (/) билан ажратилади.. **Масалан:** журнал мақолаларига мурожаатда изохларда тавсиф шундай тартибда ёзилади: муаллиф фамилияси ва исми-насабининг бош ҳарфлари, мақоланинг номи (қўштирноқсиз), кейин у нашр этилган манба номи, чиққан йили ва сони ва муаллиф мурожаат этган саҳифа ёки бетлар сони кўрсатилади. Манба номи мақола номидан кейин иккита оғма чизик билан ажратилади.

Агар газета мақолалари ишлатилган бўлса, кўчирма изоҳда муаллиф фамилияси ва исми-насабининг бош ҳарфи, мақола номи (кўштирноқсиз), газета номи (кўштирноқсиз) кўрсатилади. Мақола номи газета сарлавҳасидан олдин иккита оғма чизиқ ёрдамида ажратилади, **Масалан: Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашлар тарихи // Фидокор .- 2000.- 2 май.**

Агар мақола газетанинг бир неча сон ва бетларида босилган бўлса, сноскада газетанинг олдинги сони ва бетлари нуқтали вергул билан ажратилади.

Манбадан олинаётган матн ҳеч қандай чекиниш ва ўзгаришларсиз кўштирноқ ичида келтирилади. Сўз ва гапларнинг тушириб қолдирилиш ҳоллари аниқ кўрсатилиши керак. Бундай ҳолларда одатда, кўп нуқта(...) қўлланилади. Иқтибос(цитата) мазмунининг ўзгариши ёки қисқартирилишига олиб келиши мумкинлиги боис, ундаги сўзларни ҳатто маъно жиҳатдан энг яқин синонимлар билан ҳам алмаштириб бўлмайди. Уларда манба матнининг барча хусусиятлари тўлалигича ва аниқ сақлаб қолинади: иқтибосларда қора шрифтлар билан ёзилган, тагига чизилган гаплар ва абзацлар, сўзлар ажратилади. Манбанинг турли қисмларидан олинган бўлакларни бир цитата сифатида келтириш мумкин эмас. Бундай бўлаклар мустақил равишда изоҳланади.

Агар муаллиф манбадан цитата олмай, уни фақат изоҳлаётган ёки берилган фактлардан фойдаланаётган бўлса, иқтибосдан фойдаланиш жараёнида манбага мурожаат номеридан сўнг “қаранг” сўзи ишлатилади: **Масалан: қаранг: Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати.-Т.: Шарқ баёзи, 1993.-Б.21.**

Ҳар бир реферат унинг илмий маълумот бўлимининг таркибий қисми ҳисобланган **фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати** билан якунланиши керак. Рўйхатга методологик аҳамиятга эга манба ва адабиётлар, цитата сифатида ишлатилган, таҳлил қилинган, тилга олинган ва ушбу ишда тавсия этилган махсус адабиётлар киритилади.

Манбалар рўйхати ишнинг якуний қисмида жойлашади. У ҳажми жиҳатдан чегараланмайди. Унинг саҳифаларини рақамлаш ишнинг бетларини номерлашни давом эттиради, лекин умумий ҳажмга кирмайди.

Ёзиб бўлинган рефератни талабалар илмий раҳбарга келишилган муддатда топширади. Агар талаба ушбу услубий қўлланмада кўрсатилган талабларни бажармаса, ўқитувчи рефератни тўла якунлаш учун қайтаради. Тайёргарлик даражаси ва мазмуни Ўзбекистон тарихи бўйича якуний назорат пайтида ҳисобга олинади ва рейтинг тизими бўйича белгиланган баллар билан баҳоланади.

Намунавий тавсия этилган реферат мавзулари:

1.	Марказий Осиё – жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бири.
2.	“Авесто”: унинг моҳияти, инсон тарихини ўрганишда муҳим манба сифатида.
3.	Туркий халқлар, уларнинг келиб чиқиши, уларнинг дунё бўйлаб тарқалиши ва ҳозирги замон.
4.	Кушон давлати, унинг юксалиши ва инқирози.
5.	Эфталитлар давлати ва ундаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт.
6.	Мамлакатимиз ҳудудида ерга эгалик муносабатларининг вужудга келиши.
7.	Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масалалари.
8.	Ўрта Осиё таркибида Турк ҳоконлиги
9.	Ўзбекистон ҳудудининг араб халифалиги тарафидан босиб олиниши.
10.	Сомонийлар давлатининг ташкил топиши, юксалиши ва инқирози.
11.	/азнавийлар давлатининг ташкил топиши, юксалиши ва инқирози.
12.	+орахонийлар давлатининг ташкил топиши, юксалиши ва инқирози.
13.	Салжукийлар давлатининг вужудга келиши ва юксалиши.
14.	Хоразмшоҳлар давлати, унинг юксалиши.
15.	Мовароуннаҳрда мўғуллар истибдодига қарши озодлик кураши. Маҳмуд Торобий қўзғолони.
16.	Мовароуннаҳрда Чигатой улусининг ташкил топиши.
17.	Самарқанддаги сарбадорлар ҳаракати ва унинг оқибатлари.
18.	Амир Темур давлатининг ташкил топиши ва юксалиши.
19.	Амир Темур давлати, тузуклари ва ҳозирги замон.
20.	Мовароуннаҳрда Улуғбек ҳукмронлиги. Улуғбек даврида маданият, илм-фан ва адабиёт равнақи.
21.	Шайбонийлар давлатининг ташкил топиши, юксалиши ва инқирози.

22.	Буюк Бобурийлар салтанати.
23.	Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг давлат арбоби, шоир ва олим сифатида жаҳон тарихидаги ўрни.
24.	Аштархонийлар давлати: ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт.
25.	Мамлакатимиз ҳудудининг уч хонликка бўлиниб кетиши: сабаблари ва оқибатлари.
26.	Хива хонлигининг ташкил топиши, равнақи ва инқирози.
27.	+ўқон ҳонлиги: ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт.
28.	Бухоро амирлиги: ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт.
29.	Туркистон ҳудудининг чор Россияси томонидан босиб олиниши.
30.	Чор Россиясининг Туркистонда олиб борган мустамлакачилик сиёсати ва унинг оқибатлари.
31.	Андижондаги Дукчи Эшон кўзғолони: сабаблари ва оқибатлари.
32.	Туркистонда жади́дчилик ҳаракати: моҳияти ва йўналиши.
33.	“Ёш хиваликлар” ва “Ёш бухороликлар” ҳаракати ва уларнинг мақсадлари.
34.	Туркистонда мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши.
35.	Истиқлолчилар ҳаракати: бошланиши, унинг моҳияти, ҳаракатлантирувчи кучлар ва босқичлари.
36.	Ўрта Осиёда ўтказилган миллий давлат чегараланиши ва бу борадаги нуқсонлар ва оқибатлар.
37.	XX асрнинг 1920-1930 йилларида Ўзбекистондаги маданий ҳаёт.
38.	Ўзбекистон II жаҳон уруши даврида. Ўзбек халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси.
39.	Советлар даврида Ўзбекистон иқтисодиёти ва маданиятини ривожлантиришнинг мустамлакачилик моҳияти.
40.	Совет тузумининг миллий кадрларни қатағон қилиш сиёсати ва унинг Ўзбекистондаги оғир оқибатлари.
41.	Мустақил Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқалари.

42	Мустақил Ўзбекистонда миллий истиқлол мафкурасининг шаклланиши ва унинг асослари.
43	Ўзбекистон Мустақиллиги ва суверенитетининг эълон қилиниши.
44	Ўзбекистон ташқи сиёсатида иқтисодий омилларнинг муҳим ўрин тутиши.
45	Хорижий мамлакатлардан республикамизга илғор технологиялар ва сармояларнинг кириб келиши.
46	Мустақил Ўзбекистонда маънавият ва маърифатнинг ўрни.
47	Ўзбекистонда миллий давлатчилик ва демократик жамият асосларининг барпо этилиши.
48	Мустақил Ўзбекистон Республикасининг МДХ даги ўрни. Иқтисодий ва маданий ҳамкорликлар.
49	Ўзбекистонда миллий қадриятларнинг тикланиши ва уларнинг халқ маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти.
50	Ўзбекистоннинг жаҳондаги жуғрофий -сиёсий ўрни.
51	Мустақил Ўзбекистоннинг ташқи тинчликсевар сиёсати.
52	Ўзбек давлатчилигининг пойдевори ва тараққиёти босқичлари.
53	Мустақил Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш бобида амалга оширилаётган тадбирлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ
“Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти”
кафедраси

Жаҳонгир Тоҳиров
Ислом тарихи ва фалсафаси
факультети I курс талабаси

РЕФЕРАТ

МАВЗУ :

***“Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний
сиёсати ва унинг оқибатлари”***

Илмий раҳбар:
С.С. Аъзамхўжаев
тарих фанлари доктори,
профессор

ТОШКЕНТ-2011

Мундарижа

1	Сўз боши.....	3
2	Рефератнинг мақсад ва вазифалари	4
3	Реферат мавзусини танлаш	4
4	Манба ва адабиётларни танлаш.....	5
5	Манба ва адабиётлар билан ишлаш.....	7
6	Режани тузиш.....	8
7	Рефератнинг асосий мазмуни.....	9
8	Рефератни шакллантириш ва безаш учун талаблар	10
9	Намунавий тавсия этилган реферат мавзулари..	16

Мулоҳаза ва таклифлар учун

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

Ўқув-методик нашри

Аъзамхўжаев Саидакбар Саидович

**Ўзбекистон тарихи
фанидан рефератлар ёзиш ва тайёрлаш
бўйича ўқув-услубий қўлланма**

**Формат 84x108 1-32 ҳажми 1,0 босма табоқ.
Нусха сони 200.**